



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 237 (12.548)

Баҳоси эркин нарҳда

2013 йил 7 ДЕКАБРЬ, ШАНБА

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШ — ЁРУҒ КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАННИНГ 21 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАСИ

Қадри дўстлар!

Аввало, мана шу ҳашаматли ва бетакрор бинода сиз, азизларим билан кўришганимдан хурсанд бўлганимни, ўзимнинг чуқур ҳурматим ва меҳримни билдириш — мен учун катта бахт, десам, қалбимда, юрагимда бўлган гапни айтган бўламан.

Бугунги тантанали мажлисимизнинг мақсад-муддаоси — ҳаётимиз қомуси бўлмиш Конституциямизнинг 21 йиллигини нишонлаш, Асосий қонунимиз белгилаб берган юксак мақсадларни амалга оширишда, юртимизда янги жамият, янги ҳаёт қуришда эришган ютуқларимиз ва олдимизда турган вазифаларни аниқлаб олишдан иборатдир.

Ҳақиқатан ҳам, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямиз Ўзбекистон тарихида, узоқ, давомли мақсад ва вазифаларимизни аниқ белгилаб беришда ўзининг пухта ўйланган тамойил ва қоидалари билан ишончли ва ҳал қилувчи омил бўлди, деб таъкидлашга барча-барча асосларимиз бор.

Конституциямиз негизига қўйилган талаб ва қоидаларга тўлиқ мос келади, дунё ҳамжамиятида "Ўзбек модели" деб ном қозongan, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўли нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Ушбу моделнинг мазмун-моҳияти машҳур беш тамойилда мукассам топгани барчамизга яхши маълум. Бу тамойиллар иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислотчи сифатидаги бошқарувчилик ролини тан олиш, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, шунингдек, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга оширишдан иборат экани билан алоҳида ажралиб туради.

Шулар ҳақида гапирганда, муҳим бир масалага эътиборингизни қаратишни истардим. Демократик жараёнларни сунъий равишда тезлаштириш, шошма-шошарлик, турли инқилобий тўнтаришлар йўли қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳаётнинг ўзи барча мисолларда тасдиқлаб бераётгани бугун ҳаммамизга аён.

Ҳақиқатга биз танлаган босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш йўли ҳалқимиз кўзлаган эзгу ниятларга эришишга, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга олиб келиши мукаррар. Бунинг ҳаётимизнинг ўзи бугун исботлаб бермоқда.

Сиёсий ислохотларимиз негизидан турган демократик давлат қуришнинг энг асосий талаби бўлмиш ҳокимиятнинг қонун чиқаруви, ижро этуви ва суд ҳокимиятига бўлиниши, улар ўртасидаги муносибатларда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлайдиган тизим барпо этганимиз алоҳида эътиборга сазовордир.

Иқтисодиётимизда туб демократик ва бозор ислохотларининг амалга оширилаётгани, хусусий мулкка кенг йўл очиб бериш, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлиқни ривожлантириш учун қулай шароитлар, имтиёз ва преференциялар яратиш, хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилингани муҳим принципиал аҳамиятга эга бўлди.

Шу борада жамиятимизни эркинлаштириш, бизнес юритиш учун ҳуқуқий ва қонунчилик базаси ҳамда зарур шароитларнинг мунтазам равишда такомиллаштириб бориладиган иқтисодиётимизни изчил ва барқарор ривожлантиришда, аҳолиимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришда катта ўрин тутганини қайд этиш лозим.

Биз мамлакатимизда кичик бизнес ва тadbirkorликнинг тараққиёти, хусусий мулкнинг жадал ривожини учун қулай ва устувор шароитларни яратиб берар эканмиз, аввало, шуларнинг ҳисобидан иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатларини тезлаштириш, аҳолиимизнинг иш билан банд бўлиши ва даромад топиши билан бир қаторда, биз учун янги бўлган, демократик ислохотларнинг асосий таянчи ва ҳаракатлантирувчи кучи — ўрта синфни шакллантиришни кўзда тутамиз.

Ўз-ўзидан аёнки, тобора чуқурлашиб бораётган ислохотлар натижасида эришилаётган ўта муҳим ўзгаришлар ҳеч қачон бир кунда, кимнингдир буйруғи ёки хоҳиши ҳисобидан бўлмайди. Бунинг учун албатта вақт керак, энг асосийси — бу ислохотларнинг мазмун ва мақсадларини жамиятимиз, ҳалқимиз чуқур англаб олиши ва қўллаб-қувватлаши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Такрор айтишга тўғри келади — фақатгина ҳалқимизнинг қўллаб-қувватлаши ҳар қандай ислохотларга куч беради.

Жамиятимизни ислоҳ қилиш борасидаги мақсад ва вазифаларимизнинг маъно-моҳиятини ана шундай тушунишдан келиб чиқиб баён этилган "Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун", "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг" деган машҳур шiorлар эл-юртимиз ўртасида кенг ёйилиб, қўллаб-қувватланаётгани бежиз эмас, албатта.

Азиз юртдошлар!

Бугунги кунда Конституциямиз муҳрлаб қўйган тамойилларни амалга ошириш йўлидан дадил қадамлар қўйиб бораётганимиз, давлат қурилиши, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда биз амалга ошираётган кенг қўламли ислохотлар ва демократик янгиланишлар, аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг жадал ўсиб, юртимиз қиёфаси, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни бутунлай ўзгариб бораётгани барчамизга катта гурур ва ифтихор бағишлайди.

Ўтган 22 йиллик мустақил тараққиётимиз давомида мамлакатимиз эришаётган натижа ва марралар ҳақидаги кўрсаткичлар юртимизда бўлаётган мислсиз ўзгаришлар тўғрисида аниқ тасаввур беради.

Ана шу даврда Ўзбекистон иқтисодиёти 4,1 баробар ўсди. Агарки мамлакатимиз аҳолиси айна шу даврда қарийб 9,7 миллионга кўпайиб, бугунги кунда 30 миллион 500 мингга яқин кишини ташкил этаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, аҳоли жон бошига нисбатан ўсиш 3 баробардан зиёдни ташкил этиши бизнинг нақадар улкан тараққиёт йўлини босиб ўтганимиздан далolat беради.

Жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг жиддий таъсирига қарамасдан, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиши 2008-2013 йилларда 8 фоиздан ошди, 2014 йилда эса бу кўрсаткич 8,1 фоизни ташкил этади. Бундай ўсиш суръатларини камдан-кам давлатларда кузатиш мумкин.

Ўтган давр мобайнида макроиқтисодий кўрсаткичларнинг муносиблиги, давлат бюджетимизнинг профицит билан, яъни ошириб баҳарлиши таъминланмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолининг реал ялпи даромадлари жон бошига 8,2 баробар ошганининг ўзи ҳалқимизнинг ҳаёт даражаси тобора ўсиб бораётганидан далolat беради. Ўзбекистоннинг ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 16 фоиздан ошмаяпти, экспорт ва олтин-валюта захираларимиз ҳажми кўпайиб бормоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз иқтисодиётида доллар ҳисобида 162 миллиарддан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилган бўлиб, бунинг 56 миллиард доллардан зиёди хорижий инвестициялардир.

(Давоми 2,3-бетларда)



«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида 6 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунининг 21 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жомоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндalари, пойтахт жомоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ВА ФАРОВОНЛИГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тантанали йиғилишда маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимиз тараққиёти ва турмушимиз фаровонлигини юксалтиришнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб келаётганини таъкидлади.

Конституциямиз нормаларининг ҳаётга татбиқ этилиши жамиятимизда қарор топган тинчлик ва ҳамжихатликда, ҳаётимизга янгила мазмун бағишлаётган ислохотлар самарасида, одамларимизнинг ўзгариб бораётган онгутафаккурида, ҳар бир оила, ҳар бир инсон ҳаётида ўз ифодасини топомқда.

Ушбу тарихий санани байрам қилар эканмиз, миллий давлатчилигимиз асосларининг мустаҳкамланиши, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг изчил ривожланиши, аҳоли турмуш даражасининг юксалиши, мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва нуфузи ортиши — буларнинг барчасида Асосий қонунимизнинг аҳамияти юксак эканлигини янада теран англаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси байрамнинг яна бир муҳим жиҳати, шу кунни ҳалқимизнинг эзгу интилишларини ифода этадиган, жамиятимиз ривожига хизмат қиладиган энг устувор йўналишлар белгилаб олинди ва келгуси йилга шунга мувофиқ ном берилди.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2013 йил Обод турмуш йили деб эълон қилинган эди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури асосида фуқаролик жамиятини ривожлантириш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий база такомиллаштирилди.

Халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, маиший шароитларини янада яхшилаш, янги уй-жойлар ва инфратузилма объектларини қуриш, маҳаллаларни обод этиш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини янада юксалтириш, орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, халқимиз янада тинч ва фаровон яшайдиган ҳаёт барпо этиш йўлидаги бундай ишлар изчил давом этмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов кириб келаётган янги — 2014 йилни мамлакатимизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилишни тақдир этди. Давлатимиз раҳбарининг бу тақдир қилинган томонидан гулдурас қарсақлар билан қўллаб-қувватланди.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан якунланди.

(ЎЗА)

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз Ислам Каримов 6 декабрь кунини Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди

Президентимиз Ислам Каримовнинг фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида мамлакатимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган, давлатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлашда ўрнатилган намуна кўрсатган, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган бир гуруҳ юртдошларимиз давлат мукофотлари — фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Оқсаройда 6 декабрь кунини ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

— Авваламбор, бугун мана шу муҳташам залда сиз, азизларни Конституция кунини билан табриклаб, сизларга чуқур ҳурматимни изҳор этиб, барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-омонлик, янги-янги омадлар тилашга ижозат бергайсиз, — деди Ислам Каримов. — Сиз, муҳтарам юртдошларимизнинг давлат мукофотлари билан шу байрам арафасида қўллаш, табриклаш яхши бир одатга, анъанага айланиб қолди.

Бугун мана шундай тантанали маросимда сиз, азизларга ана шу юксак мукофотларни топшириш мен учун шарафли вазифа бўлиб, сизларнинг қаторингизда ўзимга ҳам катта хурсандчилик етказмоқда, десам, кўнглимдаги гапни айтган бўламан.

Шу фурсатдан фойдаланиб, сизлар билан бирга давлат мукофотларига сазовор бўлган барча юртдошларимизни бағримга босиб, уларни ҳам чин қалбимдан табриклаш менга чуқур мамнуният етказди, деди Президентимиз.

Мамлакатимиз, эл-юртимиз олдимизда турган буюк, юксак мақсадлар сари, демократик давлат, эркин жамият, обод ҳаёт қуриш йўлида дадил қадамлар қўйиб, қўлга киритаётган ютуқ ва марралар албатта барчамизга ҳечқис гурур ва ифтихор бағишлайди.

Жаҳон миқёсида глобал иқтисодий-молиявий инқироз давом этаётганига, бу инқирознинг чуқур таъсирига қарамасдан, Ўзбекистонимиз тараққиёт йўлида дунёда камдан-кам давлатлар қаторида барқарор суръатлар билан ривож топиб бораётгани бугунги кунда ўзгаларнинг ҳавасини тортмоқда, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Биз қўлга киритаётган ютуқлар, авваламбор, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар ва дадил қадамлар билан ўсиб бораётганининг натижасини ҳар қадамда халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати тобора юксалиб, юртимиз қиёфаси, шаҳар ва қишлоқларимиз янада обод бўлиб бораётганида кузатиш қийин эмас, деб таъкидлади Президентимиз.

Бундай туб ўзгаришларни турли-турли соҳаларда — бу қишлоқ хўжалиги, sanoat, қурилиш ва транспорт бўладини, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илму фан, маданият ва спорт бўладини, бизнес соҳасини, сизлар меҳнат қилаётган барча тармоқларда, ҳаётимизнинг ҳар қайси бўғинида қўриш мумкин.

Шу билан бирга, ҳеч кимга сир эмас, бундай ривож топиш, тараққиёт йўлида жадал илгариллаб бориш учун авваламбор қанча-қанча оғир меҳнат қилиш, қанча синовлардан ўтиш, керак бўлса, қанча-қанча ақл-заковат, мардлик ва матонат, ҳар биримизнинг ўз жойимизда бизга топширилган вазифани сидқидилдан адо этишимиз талаб қилинади, десам, бу фикрга сизлар албатта қўшилисиз, деди давлатимиз раҳбари.

Бу масалага чуқуროқ қарайдиган бўлсак, биз қўлга киритаётган марраларнинг асосий мезони ва омил — бу биринчи навбатда одамларимизнинг ўзи, уларнинг дунёқарashi, қайфияти ўзгараётгани, ким учун, нима учун меҳнат қилаётганини чуқур англаб бораётгани, сиёсий ва ижтимоий савияси ошиб бораётганининг натижаси, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугун биз сизларнинг тимсолнингизда минг-минглаб меҳнатчиларимизни — миришкор деҳқон ва фермерларимиз, sanoat корхоналари ва қурилиш майдонларида фидокорона меҳнат қилаётган ишчи ва муҳандисларимиз, меҳрибон устоз-мураббийлар ва домлалар, жонкуяр шифокорларимиз, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларидаги ютуқлари билан Ватанимизни дунёга нитаётган инсонларнинг энг нуносиб намояндаларини кўраимиз.

Булар қаторида халқимизнинг тинч меҳнатини, осойишта ҳаётини кўз қорачиқидек асрашга бел боғлаган, Ватан ҳимоясини ўзи учун касб деб биладиган мард ва жасур ўғонларимизнинг масъулияти хизматини алоҳида эътироф этамиз, юксак қадрлаймиз.

Сўнгра Президентимиз Ислам Каримов давлат мукофотларини тантанали равишда топширди.

— Бугун мен сизларнинг очик чеҳрангиз, бахтиёр кўзларингизни, сизлардаги баяндек руҳини кўриб, очигини айтсам, гўёки ўзим ҳам мукофот олгандек хурсанд бўлиб турибман, — деди Президентимиз. — Менинг ниятим, тилагим битта: кўксингизга ярашиб турган бу мукофотлар барчангизга буюрсин, сизларни янги-янги зафарларга руҳлантирсин. Ҳалол меҳнат билан мана шундай юксак қадр топиш, элу юртимиз ардоғида бўлиш барчамизга насиб этсин. Ватанимизни, халқимизни доимо Яратганнинг ўзи асрасин! Барчангизга сиҳат-саломатлик, ишларингизга ривож, хонадонларингизга файзу барака тиламан.

Тақдирланганлар юксак эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимиз Ислам Каримовга самимий миннатдорлик билдирди.

(ЎЗА)

АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШ – ЁРУФ КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАННИНГ 21 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Фақатгина 2013 йилнинг ўзида капитал инвестициялар ҳажми доллар ҳисобида қарийб 14 миллиардни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоизни ташкил этди.

Буларнинг барчаси аввало иқтисодийётимиздаги ижобий таркибий ўзгаришлар натижаси, янгитдан ишга туширилган, жаҳон бозорида талаб катта бўлган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган юзлаб, минглаб замонавий корхоналар демакдир.

Бу рақамлар аввало юзлаб, минглаб километр темир йўллар ва автомобил йўллари, юз минглаб уй-жойлар қурилган, инфратузилма объектилари бунёд этилгани, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасининг тубдан ўзгариб, аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт сифати ошиб бораётганининг далилидир.

Бугун бир фикрни ҳеч иккиланмасдан, тўла ишонч билан айтишимиз мумкин: Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда иқтисодиёти бирёклама ривожланган, асосан пахта хомашёси етказиб беришга мослашган, пахта яккахокимлиги ҳалокати тус олган қолоқ республикадан тез суръатлар билан ўсиб бораётган замонавий саноат тармоғига эга бўлган, жадал тараққиёт этаётган мамлакатга айланди. Бунинг яққол тасдиғи – мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти таркибида саноатнинг улуши 1990 йилдаги 14,2 фоиз ўрнига бугунги кунда 24,3 фоизни ташкил этгани, айти пайтда қишлоқ ҳўжалигининг улуши эса 34 фоиздан 17 фоизга қамайганидир.

Биз учун мутлақо янги бўлиши автомобилсозлик, моторсозлик ва уларга бутловчи қисмлар тайёрлайдиган соҳаларга, нефть ва газни қайта ишлайдиган, фармацевтика маҳсулотлари, замонавий телевизор ва компьютерлар ишлаб чиқарадиган янги-янги саноат тармоқларига асос солинди. Шунингдек, озиқ-овқат, енгил саноат, кимё, қурилиш материаллари саноати ва бошқа тармоқлар тўлиқ модернизация қилинди ва дунё бозорида рақобатдош бўлган товарлар ишлаб чиқариш бошланди ва давом этмоқда.

Ўзининг аҳамияти ва моҳиятига кўра ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган ҳаётимиздаги ўзгаришлар ҳақида гапирганда, аввало одамларимизнинг дунёқараши ва кайфияти, фикру эҳси, уларнинг ҳаётга, ўз меҳнати натижасига муносабати тубдан ўзгариб, юксалиб бораётгани ҳақида тўхталмасдан ўтмайлик.

Бугун инсоннинг ўзи ўзгармоқда, унинг гражданлик ва сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ўсмоқда. Биз коммунистлик мафкура асосларидан, боқимондалик кайфиятидан, турли сохта қолиплардан тўла халос бўлиб бормоқдамиз. Мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларга эга, ҳаётга янгича қарайдиган, собиқ мустабид тузумга хос тушунчалардан озод бўлиб вояга етаётган, ўз фикри ва қарашларига эга бўлган навиқдор ёшларимиз ҳаётга ишонч билан кириб келимўқда, жамиятимизда мустақкам ўрин олмақда ва мамлакатимизнинг тараққиёти йўлида ҳал қилувчи кучга айланмоқда.

Ҳаётимизда амалга оширилаётган бундай ўзгаришлар аввало нимани аңлатиши?

Биринчидан, бу амалий ишлар авваломбор мамлакатимизда замонавий демократик жамият қарор топаётгани ва изчил ривожланаётганидан, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатининг юксалиб боришига замин бўлаётган иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсаяётганидан, Ўзбекистонимизнинг халқро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётганидан дарқ беради.

Энг муҳими, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самардорлиги ва таъсирчанлиги Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши учун бугунги кунда барча имкониятлар яратилди, деб айтишга тўла асос беради.

Иккинчидан, Биз кўлга киритган марралар мустақил ривожланишининг ўтган даврида халқимизнинг тарихий ва миллий хусусиятларини инобатга олган ҳолда, мамлакатимиз Конституциясида белгилаб қўйилган стратегик мақсад ва вазифалар сари тадрижий, босқичма-босқич ва изчил илгарилаб бориш нақадар тўғри бўлганини тасдиқламоқда.

Учинчидан, Айти вақтда биз бир ҳақиқатни яхши аңғалаймиз: албатта, замонавий Конституцияга, унда қўрсатиб берилган мақсад-муддоголарга эришиш учун ишлаб чиқилган ажойиб Стратегияга эга бўлиш мумкин. Аммо, меҳнаткаш ва олижаноб халқимиз бу йўлда тоғдек таянч бўлиб турмаса, ўзининг айтинг, азиз дўстларим, кадрларим, биз мана шундай юксак марраларни кўлга кирита олармидик?

Фақат халқимизнинг мардлиги ва матонати, жонқуярлиги ва қатъияти, одамларимизнинг бекиёс меҳнати барчамизга ҳақли равишда фахру ифтихор бағишлайдиган улкан ютуқ ва натижаларга эришиш имконини берди.

Бугун, мана шу юксак минбардан туриб, сиз, азизларнинг барчангизга, сизларнинг тисмонингизда азму шижоатли, фидойи халқимизга яна бир бор ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни билдириб, таъзим қилишга иқозат бергайсиз.

Хурматли дўстлар!

Ўтган даврда амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, аввало, эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилмаслигимиз, реал воқеликдан узилиб қолмаслигимиз зарурлигини, ўйламанки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Биз бугунги дунёда эгалаб турган ўрнимизни ҳолисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ўсиб бораётган ҳаёт талаблари билан ҳамоҳанг тарзда боришимиз, ўз истиқболимизга очик кўз билан қараган ҳолда қадам қўйишимиз ниҳоятда муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2010 йилнинг ноябрь ойида Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясининг қабул қилиниши юртимизда амалга оширилаётган демократик янгиланиш ва модернизация жараёнларининг қонуний ва мантикий давоми бўлди.

Маъмур Концепция, моҳият-эътиборига кўра, узоқ муддатга мўлжалланган Дастур бўлиб, у бугунги глобаллашув замонида, дунё шиддат билан ўзгариб бораётган бир шароитда ўзаро узвий боғлиқ бўлган сиёсий ва иқтисодий ислохотлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини, сўз ва ахборот эркинлигини, сайлов эркинлигини таъминлаш, сайлов тизимини такомиллаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берди.

Ўтган давр мобайнида бу йўналишларнинг ҳар бири бўйича айна ишлар бажарилди ва бажарилмоқда. Бундай ўзгаришларни барчамиз матбуотимизда ва телевидение орқали муҳокама қилинаётган лойиҳалар ва парламенти-

миз – Олий Мажлисимиз қабул қилаётган кўпгина қонунлар мисолида кўришимиз, кузатишимиз қийин эмас, албатта.

Шу борада ўтган давр мобайнида парламентимиз фаолиятини янада такомиллаштиришга оид қатор тузатишлар қабул қилганимиз эътиборга сазовор, деб ўйлайман. Қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни қўриб чиқиш ва қабул қилишнинг барча босқичларида депутатлар ва сиёсий фракцияларнинг роли кучайтирилгани ва бугунги кунда фракциялар (депутатлик гуруҳлари)нинг фикр ва таклифларини ҳисобга олмасдан туриб биронта ҳужжат қабул қилинмаслиги бу йўлда катта қадам бўлди, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бугун олдимизда турган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш вазифаси ҳақида гапирар эканмиз, энг аввало давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг яхлит тизимини ташкил қилиш, бунинг учун ҳуқуқий нормаларни мустақкамлаш, керак бўлганда, маҳсул қонунларни қабул қилиш лозим.

Шу нуктага назардан қараганда, "Ижтимоий шериклик тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини чуқур муҳокама қилиш ва уларни қабул қилишни тезлаштириш энг муҳим вазифаларимиздан биридир. Шулар қаторида "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида", "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қафоллари тўғрисида"ги оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлайдиган, эркин ахборот майдонини ташкил қиладиган бошқа қонунларнинг муҳокамасини тезлаштириш ва қабул қилиш даркор.

Концепцияга мувофиқ, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох этиш, жамиятни ривожлантириш ва демократлаштиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида судларнинг мустақиллиги ва эркинлигини мустақкамлаш, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилди.

Аввало, прокуратура органларининг суд ҳокимияти устидан назорат функциялари тўлиқ бекор қилинди, прокуратура ваколатларидан суд қарорлари ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи қирилди. Жиноят ишини юритишда суд назоратини мустақкамлаш, ҳимоя ва айблов тортишувини таъминлаш тизими ва механизмларини такомиллаштиришда "Ҳабеас корпус" институти қўлланишини кенгайтириш бўйича қонун ҳужжатлари амалга оширилмоқда.

Жиноят-процессуал қонунчиликдан суднинг жиноят ишини кўзғатиш, жиноят иши бўйича айблов хулосаларини эълон қилиш ваколатларини соқит қилинди, судга ҳақ юритиш босқичида тергов устидан суд назорати кучайтирилди. Шахсни лавозимидан четлатириш ва тиббиёт муассасасига жойлаштириш каби процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ваколатлари судларга берилди.

Қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларига қўра, теъкор-қидирув ишларини олиб боришининг аниқ асослари белгиланди, бу жараёнда қонунчиликка риоя қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, маъмурий ўзбошимчиликка йўл қўймаслик бўйича реал ҳуқуқий қафоллар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг суд тизими ҳодимларининг ижтимоий ҳимоясини тубдан яхшилаш, шунингдек, туман ва шаҳар умумий юрисдикция судларининг фаолиятини такомиллаштириш ва самардорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги фармонларининг қабул қилиниши суд ҳокимиятининг нуфузини мустақкамлаш, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган суд кадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали тизимини яратиш бора-сида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йилнинг июнь ойида қабул қилинган "Юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, Тошкент давлат юридик институти Тошкент давлат юридик университетига айлантирилди, юридик таълим тизимининг фундаментал асосларини тубдан ислох қилиш ва яхшилашнинг пойдевори яратилди.

Бугунги кунда нодавлат нотариот ташкилотлари демократик кадриятлар, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаолияти ва ҳуқуқий маданиятини оширишнинг муҳим омилига айланмоқда.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда фаолият юритаётган нодавлат нотариот ташкилотларининг сони 6 мингдан ортиди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотариот ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан грантлар бўйича берилаётган маблағлар миқдори сўнгги уч йилда 2 баробар кўпайди.

Нодавлат нотариот ташкилотлари соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бандликни таъминлаш ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш соҳаларидаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш бўйича дастурларни амалга оширишга, шунингдек, ҳуқуқий меъёроларни ишлаб чиқиш жараёнига кенг жалб қилинмоқда. Концепция доирасида тайёрланаётган қонун лойиҳалари, айти пайтда катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бошқа қонун ҳужжатлари бўйича жамоатчилик ўртасида муҳокама қўйилиши мумкин.

Бунинг яққол тасдиғини фуқароларнинг давлат институти, оммавий ахборот воситаларининг "Жамият ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича Бухоро ва Самарқанд вилоятларида қарийб бир йилдан буён ўтказилаётган ҳуқуқий тажрибада кенг иштирок этаётганида кўриш мумкин.

Шулар ҳақида ва амалга ошираётган ишларимизнинг давоми ҳақида гапирар эканмиз, яна бир муҳим масалага эътибор қаратишимиз лозим.

Ривожланган демократияга эга бўлган давлатларнинг тажрибаси, шу билан бирга, Ўзбекистоннинг сиёсий ва конституцион ривожланишининг мантикий йўли халқимиз, жамоатчилигимизнинг намоёндалари бўлиши вакиллик, депутатлик органларининг жамиятимиз ҳаётидаги роли ва аҳамиятини янада оширишни, содда қилиб айтганда, бу йўлда бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришни талаб этмоқда.

Айти шу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатаси – Сенат ҳамда қуйи – Қонунчилик палатасининг ролини янада кенгайтириш, фақатгина қабул қилинган қонунларнинг ижросини текириш билан чегараланмасдан, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ижро органлари фаолияти устидан назоратини кучайтириш, ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда, энг муҳим стратегик масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда ҳуқуқ ва ва-

колатларини ошириш учун Конституциямизга тегишли қўшимча ва ўзгаришлар қабул қилиш мақсадаги муроғи бўлади. Шулар қаторида Вазирлар Маҳкамаси ва жойларда ижро ҳокимиятларининг масъулиятини ошириш, Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларда уларнинг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиш ва тегишли хулосалар чиқаришнинг ҳаётининг ўзи тақозо этмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, пухта ўйланган бундай ислохотларни давом эттириш биз кўзлаган, яъни "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш" тамойили – принципини амалга оширишда янги қадам бўлади.

Муҳтарам ватандошлар! Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ролини кескин кучайтириш, мамлакатимизни ислох этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш демократик ислохотларни изчил амалга оширишнинг энг муҳим омилига айланмоғи зарур.

Бошқача қилиб айтганда, кўппартияли тизимни мустақкамлаш ва партияларро рақобатни кучайтириш – биз кўзлаган демократик давлат барпо этишнинг энг муҳим шартларидан бирига айланиши даркор.

Биз бу ўринда ўз низомига ва жамият олдида турган муаммоларни ҳал қилиш борасида ўз нуктага назари аниқ фоида этилган ҳаракат дастурига эга бўлган сиёсий партияларнинг кўзда тутамиз. Сўз, аввало, ўз электротирига эга бўлган, давлат ва жамият қурилишининг асосий масалалари, мамлакатда юритилаётган ички ва ташқи сиёсат бўйича аниқ-равшан позицияси билан, сайловда мазкур партия учун овоз берадиган одамлар манфаатларини қатъий ҳимоя қилишга қодирлиги билан сайловчилар ўртасида обрў қозонган партия ҳақида бормоқда.

Ушбу масалаларнинг барчаси 2014 йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига ўтказиладиган умумхалқ сайловлари нуктаи назаридан алоҳида долзарб аҳамият касб этади.

Юқорида айтилган фикр-мулоҳазаларни яқунлаб, ҳуло-са қилар эканмиз, Конституциямиз муқаддимасига бугун яна бир бор мурожаат қилиш ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Ушбу муқаддимада, жумладан, қуйидаги қоида баён қилинган: "Ўзбекистон халқи: инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети қоидаларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажақ авлодлар олдидаги юксак масъулиятини аңлаган ҳолда, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоян қилиб, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кеңиришларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб, ўзининг муқтор вакиллари сиймосига Ўзбекистон Республикасининг қазир Конституция-сини қабул қилди".

Мен бугун ушбу мушташам залда тўпланган сиз, азизларга, сизларнинг тисмонингизда бутун халқимизга мурожаат қилиб айтмоқчиман. Биз ўтган йиллар давомида амалга оширган барча эзгу ишларимизни давом эттириб, келгусида ҳам ўз танлаган йўлимизидан ҳеч қанча ортга қайтмаймиз ва Конституциямизда белгилаб берилган барча олижаноб мақсад-муддоголаримизни сўзсиз амалга оширамиз.

Азиз юртдошлар!

Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш ва обод қилиш борасидаги ишларимизни янги, юксак босқичга кўтариш мақсадида 2013 йилга мамлакатимизда "Обод турмуш йили" деб ном берганимиз эл-юртимиз томонидан катта маншуният билан қабул қилинди.

Йил давомида давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятларини сафарбар этиб, мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилди ва айтиш мумкинки, бу кўпгина масала ва муаммоларни ечишга катта ҳисса қўшди.

Жорий йилда обод ҳаётнинг асосий шарти бўлган аҳолининг реал даромадларини ошириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, янги-янги иш ўринлари яратиш, социал масалаларни ечиш борасидаги ишларимизни изчил давом эттирдик.

Ўйлайманки, сизлар яхши хабардорсиз, мамлакатимизда ҳар йили давлат бюджетини қабул қилишда айти ижтимоий соҳани ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилди. 2013 йилда бу соҳага ажратилган маблағлар бюджетимиз умумий харажатларининг 60 фоизини ташкил этди. Бу эса 2012 йилга нисбатан 1 триллион сўмга кўпроқдир.

Бугунги кунда одамларимизнинг ҳаёт даражаси қандай ўсиб бораётгани ҳақида гапирганда, яққол кўзга ташланадиган баъзи бир кўрсаткичларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда яшайдиган ҳар учта оиланинг биттиси шахсий енгил автомобилга эга. Юртимиздаги ҳар 100 та оилга ўртача 80 та хололидлик, 146 та телевизор турга келмоқда. Бу эса баъзи оилаларда икки-учтадан телевизор борлигини кўрсатади. Шунингдек, аҳолининг қир ювиш машинаси, пилесос, микротўқилки пещлар, шахсий компьютер ва бошқа зарур воситалар билан таъминлашни даражаси ортди бормоқда.

Республикамизда мобил алоқа хизматидан фойдаланувчилар сони 19 миллион нафарни ташкил этиб, ҳар бир оилга ўртача 3 та уяли телефон тўғри келмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда интернет абонентлари сони ўтган йилга нисбатан 18,3 фоизга ўсиб, ҳозирги пайтда 7 миллион 100 минг нафарни ташкил этмоқда.

Албатта, бу рақамлар охириги йилларда аҳолиимизнинг нафақат турмуш даражаси ошиб, аввало, ҳаётимиз сифати тобора юксалиб бораётганидан далолатдир.

2013 йилнинг ўзида қишлоқ аҳлига уй-ўрғзор буюмлари сотиб олиш учун қарийб 68 миллиард сўмлик истеъмол кредитлари, ёш оилаларга уй-жой қуриш ва уларнинг шу борадаги интилишларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 346 миллиард сўмдан ортиқ, яъни ўтган йилга нисбатан 10 фоиз кўп ипотека кредитлари ажратилганини таъкидлаш зарур.

Биз учун долзарб аҳамиятга эга бўлган аҳоли бандлигини таъминлаш учун жорий йилда 970 мингдан ортиқ иш ўрни яратилиб, уларнинг 60 фоизи қишлоқ ҳудудларида ташкил этилгани, энг муҳими, касб-ҳунар коллежлари битирган 500 мингдан зиёд йигит-қизларимизни ишга жойлаштирганимизнинг ўзи энг катта ютуқларимиз қаторига кириди.

Яна бир устувор вазифамиз – халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва самарасини ошириш, профилактика ишларини кучайтириш бўйича бажарган ишларимиз ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Турқу ёшдаги 7 миллион аёл ҳамда 7 миллион 300 минг нафар бола тиббий кўриқдан ўтказилди, 195 минг

нафар ёлғиз қариялар, ногирон ва пенсионерларга малакали тиббий ёрдам кўрсатилди.

Йил мобайнида мамлакатимиз бўйича 311 миллиард сўмлик бюджет маблағи ҳисобидан 146 та замонавий тиббиёт муассасаси фойдаланишга топширилди. Жумладан, Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида янги даволаш корпуси ва диагностика бўлими, болалар касалликлари санаторийси барпо этилди. Қашқадарь вилоятининг Чироқчи туманида тиббиёт бирлашмаси, Сурхондарь вилоятида кўп тармоқли болалар ва катталар тиббиёт марказлари, Фарғона вилоятининг Ўзбекистон ва Қўштепа туманлари тиббиёт бирлашмалари ва бошқа ўнлаб касал-хоналар тубдан реконструкция қилинди.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳридаги Педиатрия тиббиёт институти клиникасида ҳамда Республика педиатрия ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт марказида янги жаррохлик корпуслари ишга туширилди.

Биргина 2013 йилнинг ўзида Республика ихтисослашган хирургия марказининг кардиохирургия мажмуаси ва бошқа шундай шифохоналарда юрак-қон томир касалликларига қалинган 4 мингдан зиёд бемор дардига даво топти.

Наманган ва Урганч шаҳарларида эса юрак клапанларини алмаштириш, туғма ва орттирилган юрак касалликларини операция қилиш, электр кардиостимулятор имплантацияси, эхокардиография каби даволашнинг янги усуллари йўлга қўйилди. Нукус, Қарши, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Жиззах шаҳарларида эса юрак ҳолатини узлуксиз мониторинг қилиб бориш амалиёти кенг ўтказилмоқда.

Шунингдек, Урганч, Нукус, Андижон, Самарқанд шаҳарларида лазер нури ва ультратовуш ёрдамида турли кўз касалликларини компьютер технологиялари асосида диагностика қилиш ва даволаш ишлари амалга оширилмоқда.

Шу фурсатдан фойдаланиб, амалда татбиқ этилаётган диагностика ва даволашнинг мутлақо янги усул ва услубларини, энг замонавий технология ва техникани ҳаётимизга жорий этаётган, беморларимизни даволашда юксак маҳорат ва жонбозлик намойиш этаётган шифокорларимизга барча-барчамизнинг номимиздан миннатдорлик билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Таълим-тарбия тизимини янги босқичга кўтариш мақсадида айна тадбирлар амалга оширилди.

2013 йилда мамлакатимизда 756 та таълим маскани, мусиқа ва санъат мактаблари, болалар спорти объектилари янгитдан қурилди, реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Замонавий компьютер синфлари, ўқув лабораториялари, устоналар ташкил этилиб, зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Маълумки, шу йилдан эътиборан мамлакатимизда ҳар йили таълимнинг ўн икки тизимини янада такомиллаштириш дастури доирасида умумтаълим мактабларининг I-синфидан бошлаб ҳорижий тилларни чуқур ўрганиш йўлга қўйилди. Бу эса, албатта фарзандларимизнинг жаҳон илм-фани ва маданияти ютуқларини эггалаш, етуқ ва малакали кадрлар бўлиб етишиши учун янги имкониятлар очиб бериши билан айнисқа мумкин.

Жорий йилда 300 мингга яқин бола, жумладан, Орол-бўйи ҳудудидан 4 минг 500 нафар ўқувчи ҳамда ҳам таъминланган оилаларга мансуб 75 минг нафар боланинг ёзги оромоғларда имтиёзли дам олиши ташкил этилиб, уларнинг саломатлиги мустақкамланди.

Йилдан-йилга кучайиб бораётган бундай амалий ишларимизнинг табиий маҳсули ва натижасини юртдошларимиз, авваломбор, жондан азиз фарзандларимизнинг турли соҳаларда кўлга киритаётган ютуқларида кўришимиз мумкин.

Бу борада баъзи бир мисолларга тўхталадиган бўлсак, Тошкент шаҳрида ўтказилган 47-халқаро Менделеев олимпиадасида юртимиз ўқувчилари биринчи ўринни эггаллагани ҳаммамизга маншуният етказди.

Ақл-заковат мусобақаси бўлиши шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонига эришган 8 яшар Нодирбек Абдусатторовни оласизми ёки 5 яшар – эътибор беринг, 5 яшар – жажжи ўғлонимиз Исламбек Синдоровнинг Осиё чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлганини оласизми, қани айтинг, азиз дўстлар, бундай ютуқлар билан фахрланмасдан, гурурланмасдан бўладими?

Мана, яқинда Полшада ўтказилган жаҳон чемпионатида яна бир муқор спортчимиз – Руслан Нуру

АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ИСЛОХОТЛАРИМИЗНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШ — ЁРУҒ КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАННИНГ 21 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАСИ

(Давоми. Боши 1,2-бетларда)

Яна бир муҳим вазифамиз — аҳолини марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласини оладинга бўлса, жорий йилда 213 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 1 минг 850 километрга яқин сув тармоғи тортилиб, 1 миллион 370 минг нафар аҳолининг сув таъминоти яхшиланди.

Шу билан бирга, Андижон, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Фарғона вилоятларида, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Қўқон шаҳарларида айтиш шунча мақсадда 96 миллион доллар қийматидаги 8 та йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бу эса 365 минг аҳоли учун ичимлик суви таъминоти, шунингдек, оқова сув тармоқларини яхшилаш имконини беради.

Йил давомида автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича улкан ишлар бажарилди.

Ўзбек миллий автомагистралнинг 530 километрлик қисмида қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилди. Бундан ташқари, қишлоқ аҳоли пунктларини боғлайдиган 890 километрдан зиёд ички йўллар ва 200 километрдан ортиқ шаҳар ва посёлка кўчалари таъмирланди.

Кейинги вақтда мамлакатимизда кенг ва раван йўллар қуриш билан бир қаторда йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида ҳам кўп ишлар қилинмоқда.

Азим пойтахтимиз Тошкентда ва бошқа шаҳарларимизда ўзимизда ишлаб чиқарилган, кўзни қувонтирадиган автотўсиш ва энгил машиналар билан бирга, энг замонавий "Мерседес" автобустарни қатнаётганини, кўча ва майдонларимиз қиёфасини бутунлай ўзгартираётган бундай манзарани кўриб, ҳар қандай одам таъсирланмасдан қолмайди, десам, муволаф бўлайди.

Шу ўринда бир рақамга алоҳида эътиборингизни қаратмоқчиман. Айни зикр этилган тадбирларнинг барчасини амалга ошириш учун ички инвестициялар билан бирга Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва Ислон тараққиёт банкнинг 3 миллиард доллардан ортиқ маблағини йўналтириганимизнинг ўзи, ўйлаётганимиз, кўп нарсадан далолат беради.

Дастур доирасида жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган маҳаллани обод қилиш вазифасидан келиб чиққан ҳолда, ўзини ўзи бошқариш тизими янада такомиллаштирилди, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтиришга катта аҳамият берилди.

Аввало, ана шу мақсадда иккита муҳим қонун қабул қилинди. Жумладан, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳририда ушбу тузилма фаолиятининг тақийлиги асосларини такомиллаштириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича уйғай аҳоли ва вазифалари янада кенгайтирилди.

Хабарингиз бор, шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови давом этмоқда. Бу сайловнинг айтиш шунчада янги таҳрирда қабул қилинган қонун асосида ўтказилаётгани айниқса эътиборлидир.

Жорий йилда маҳаллалар ҳудудида янги гузарлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, болалар ва спорт майдончалари барпо этиш, ички йўллар ва йўлакларни таъмирлаш, кўп қаватли уйларнинг атрофини ободонлаштириш бўйича катта ҳаждаги ишлар амалга оширилди.

Азиз юртдошлар!

Ҳаммамизга аёниқ, обод турмушини ҳаётимизнинг файзу фаришати бўлиши мўҳтама аёлларимизнинг оила ва жамиятдаги фаол иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Биз одатда опа-сингилларимизнинг турли соҳалар ривожига қўшаётган катта ҳиссасини тан олиш, уларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва ролини ошириш, ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий нуфузини кўтариш, оғирини энгил қилиш ҳақида кўп гапирамиз. Лекин мен бу масаланинг бошқа томонига эътибор беришни истардим.

Қачон оила бахтли бўлади? Қачонки, аёл бахтли бўлса. Қачон аёл бахтли бўлади? Аввало, бундан, унинг болалари, оила аъзолари, турмуш ўртоғи соғ-омон бўлса.

Қачон аёл ҳаётдан рози бўлади? Қачонки, оиласи тинч, рўзғори фаровон бўлса, эртанги кундан кўнгли тўқ бўлса. Оилавий турмушда, бир қараганда, кўзга ташланмайдиган, лекин шундай муҳим юмушлар борки — бу кир ювиш ёки овқат пишириш бўладими, бола тарбияси бўладими, умуман, уйни саранжом-саристиш тутуш бўладими — бундай рўзғор ташвишларини фақат аёл зоти баҳара олади.

Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами арафасида Президентимиз Ислон Каримов фармонлари мувофиқ мамлакатимиз тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ фидойи ва ташаббускор юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланган эди. Конституциямиз қабул қилинганнинг 21 йиллиги арафасида мазкур мукофотлар ўз эгаларига тантанали равишда топширилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган тадбирга шаҳар фаоллари, турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ижтимоий-иқтисодий соҳалар, қурилиш, транспорт, саноат, ободонлаштириш соҳаси вакиллари, маҳалла, хотин-қизлар қўмиталарининг фаоллари тақдирланди.

Тошкент шаҳрининг сиёсий-ижтимоий, маънавий ҳаётимиздаги, давлат бошқаруви, иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиссёр. Мамлакатимиз тарихига Обод турмуш йили сифатида муҳрланган 2013 йилда пойтахтимизда ҳам кенг қўлланма ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Янги-янги ишлаб чиқариш корхоналари, маданий-маърифий, ижтимоий объектлар, спорт иншоотлари, таълим муассасалари, гузарлар барпо этилди. Энг улғун, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида Юртовбосимиз ташаббуси билан кўча ва хамиша навқирон шаҳарнинг тарихий марказларидан бўлиши Хадра майдони янада кўркам қиёфа касб этди. Навоий кўчасидаги автотранспорт воситаларининг тирбандлигига барҳам берилди. Кўркам болалар майдончаси, ям-яшил майсазорлар, дов-даракларга бурканган файзли хиббон барпо этилди. Кўп қаватли уйларда яшаётган аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, дам олиш учун имкониятларини янада кенгайтириш, Хадра майдонида мўътадил иқлимни таъминлаш мақсадида бу ерда улкан фаввора бунёд этилди. Бу йўналишдаги кенг

Ҳаммамиз яхши биламиз, ҳаёт ташвишсиз бўлмайди, лекин шу ташвишлар камроқ бўлса, энгилроқ бўлса, ана шунда аёл ҳаётдан рози бўлади.

Биз иқтисодий ҳаётимиз бақувват бўлиб, имкониятларимиз кенгайиб бориши билан, аёлларимизнинг оғирини энгил қилиш масаласига тобора катта эътибор бермоқдамиз. Жумладан, жорий йилда ҳам бу йўлда кўпгина ишларни амалга оширдик.

Мамлакатимиз корхоналари томонидан 310 мингга яқин ошхона ва уй-рўзгор ашёлари ишлаб чиқарилиб, 130 миллион сўмлик ана шундай буюмлар эҳтиёжманд оилаларга бепул тарқатилгани бунга мисол бўла олади.

Айни вақтда маҳаллалар, турар-жой маззеларида янги-янги хизмат кўрсатиш шохобчалари, нон ёпадиган, кондитер маҳсулотлари тайёрлайдиган цехлар, бозорчалар ва савдо дўконлари, болалар майдончалари, оилавий дам олиш масканлари, гўзаллик салонлари барпо этилди.

Опа-сингилларимизга қулай шароит яратишга қаратилган бундай ишларимизни келгусида албатта давом эттирамиз ва бунинг учун маблағ ҳам, имконият ҳам топамиз.

Бунинг яққол тасдиғи сифатида аёлларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2013 йилда тижорат банклари томонидан 117 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағи ажратилганини айтиш зарур. Бу эса ўз навбатида қанча-қанча хотин-қизларга ўз ишини очиб, оиласи, эл-юртимиз учун фойда келтириш, ҳаётдан ўз ўринини топиш имконини бераётганини алоҳида таъкидлаш даркор.

Мўҳтама дўстлар! "Обод турмуш йили"да бажарган ишларимиз ҳақида албатта узоқ гапириш мумкин. Мен бу ўринда диққат-эътиборингизни фақатгина битта кўрсаткичга қаратишни лозим, деб ҳисоблайман.

Дастур доирасида барча манбалар ҳисобидан 6 триллион 930 миллиард сўм ҳамда 471 миллион доллардан ортиқ маблағ сарфланганининг ўзи амалга оширган ишларимизнинг ҳажми ва қўлани қанчалар кенг ва улкан эканидан яққол далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай олижаноб ва савобли ишга ўз ҳиссасини қўшган юртимиздаги давлат ва нодавлат таъшилотларига, фермерлик ва тадбиркорлик субъектларига, бизга қўлма берган хорижий ва халқаро тузилмаларга, мана шу заўда ўтирган чет мамлакатларнинг элчилари ва дипломатик ваколатхоналар вакиллари, шу эзгу йўлда сиқидилган хизмат қилган барча инсонларга ўз номимдан, халқимиз номидан савий миннатдорлик билдираман.

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Энди сизлар билан кириб келаётган янги — 2014 йилга қандай ном бериш ҳақида маслаҳатлашиб, фикрлашиб олишимиз керак.

Азал-азалдан ҳар қайси ота-она ўз боласининг соғлом ва баркамол, ақл-заковатли, бахтли бўлишини истайди. Шундай фарзандни вояга етказиш, унинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига эришиш — ота-онанинг энг улғун, энг муқаддас орузи, десам, айтиш қийин бўлмайди.

Биз соғлом деганда, нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом болани ўзимизга тасаввур этамиз.

Мустақиллиқнинг биринчи йилларидан бошлаб юртимизда соғлом она — соғлом бола масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланиб, кенг қўлланма умумий дастурларимиз доирасида амалга ошираётган улкан ишларимиз жаҳон миқёсида ҳам тан олинган сизларга яхши маълум.

Айни вақтда бугунги шиддатли замон, ҳаётнинг ўзи ёш авлод тарбияси борасида одимизга янги-янги, ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Ана шуларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги ишларимизни изчил давлом эттириш ва юксак босқинга кўтариш мақсадида мен кириб келаётган янги — 2014 йилни мамлакатимизда "Соғлом бола йили" деб эълон қилишни тақдир этаман.

Қадри юртдошлар!

Соғлом боланинг дунёга келиши, бақувват бўлиб ўсиб-ўлғайиши кўпгина талаб ва омидаларга боғлиқ эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Лекин улар орасида шундай ўта муҳим, ҳал қилувчи мезонлар борки, бу ҳақда алоҳида тўхталишни ўринли, деб биламан.

Биринчидан, соғлом бола — аввало соғлом ва ақил оиланинг меvasидир.

Биз оилани ҳаёт давомийлигини таъминлайдиган, келажак насллар тақдирига қўли таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида қабул қиламиз. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, одамлилик, меҳр-оқибат, ўз Ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олижаноб фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади.

Табиики, соғлом боланинг туғилиши биринчи навбатда онанинг соғлиғига боғлиқ. Бўлғуси она илоҳий неъмат бўлиши дилбандини тўқиз ой мобайнида ўз бағрида асраб-авайлаб, ёруғ дунёга келтиради. Ана шу жараёнда аёл қандай кўнглини, қандай руҳий ҳолатини бошидан кечирса, бу албатта она вужуди орқали ҳомилага таъсир ўтказиши.

Аёлни қадрлаш, оғир ишлардан ҳалос этиш, турли касалликлардан ҳимоя қилиш — эр кишининг, бутун жамиятимизнинг бурчидир. Бу ҳақиқат қуруқ гапга айланиб қолмаслиги учун барчамиз жавобгарлиқни сезишимиз, уни амалий ишларимизда намоён қилишимиз даркор.

Бундан ҳулоса шунки, "Соғлом бола йили" давлат дастурини ишлаб чиқишда биринчи навбатда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни қучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш каби масалалар эътиборимиз марказига қўйилиши зарур.

Иккинчидан, соғлом болани вояга етказишда соғлиқни сақлаш тизимининг ўрни ва таъсири, шу билан бирга, масъулият катта экани ҳаммамизга яхши аён.

Дастурда оналар ва болалар саломатлигини асрашга хизмат қиладиган тиббиёт муассасалари — бу скрининг ва перинатал марказлари бўладими, аёллар тиббий консултациялари, туғруқхона комплекслари бўладими, гинекология ва патронаж хизматлари, қишлоқ врачлик пунктлари бўладими — уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий асбоб-ускуналар, малакали кадрлар билан таъминлаш борасидаги ишларимизни кучайтириш ўз ифодасини топиши керак.

Жаҳон соғлиқни сақлаш таъшилотининг тавсияларини инобатга олган ҳолда, ҳомиладор аёллар ва гўдакларнинг ўз вақтида ва сифатли овқатланиши, улар учун махсус поливитаминлар, зарур микроэлементлар билан бойитилган махсулотлар ишлаб чиқариш, болаларни доимий тиббий кўриқдан ўтказиш, турли касалликлардан асраб-авайлаш каби тадбирларнинг самарасини янада ошириш лозим.

Барчамиз яхши тушунамизки, соғлом фарзандни тарбиялашда аҳоли, айниқса, ота-оналарнинг тиббий маданияти муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли дастурини шакллантиришда тиббий маданиятни оширишга қаратилган кенг қўлланма тушунтириш ишларига алоҳида ўрин бериш айтиш мумкин бўлади.

Маълумки, мамлакатимизда бўлғуси келин-куёвларни никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби жорий этилган бўлиб, бундан қўлланган асосий мақсад соғлом оила қуриш, соғлом болани дунёга келтириш билан боғлиқ. Лекин, афсуски, инсоннинг ҳаёти, туғилажак фарзанднинг тақдирига бевосита дахлдор бу масалага баъзан масъулиятсизлик билан қараб, сохта ва юзаки ҳулосалар чиқариб, тиббий маълумотномаларни сотиб олиш каби ҳолатлар учраб туриши барчамизни ташвишга солиши зарур. Айни шу масалалар учун, умуман, болаларнинг соғлом, бениқсон бўлиб туғилиши учун тиббиёт ходимларининг масъулиятини, керак бўлса, жавобгарлигини ошириш вақти келди, деб ўйлайман.

Учинчидан, соғлом болани вояга етказишда таълим-тарбия ва спортнинг ўрни ва таъсирини янада кучайтириш лозим.

Дастурда мактабга таълим муассасалари тизимини кенгайтириш, уларни замонавий жиҳозлаш, юқори малакали педагог ва мураббийлар билан таъминлаш, болаларни мактабга тайёрлашнинг сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Боланинг жисмоний ва психологик ривожланишидаги энг асосий давр — бу бошланғич синф давридир. Ҳаммамиз биламизки, собиқ тузум шароитида бу масалага, афсуски, етарлиқ аҳамият берилмас эди. Кўйи синфларда дарс бериш асосан ўрта махсус маълумотга эга бўлган муаллимларга топшириб қўйилган эди.

Бошланғич таълимнинг ёш авлод ҳаётидаги роли ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, бундай номақбул ҳолатга бутунлай барҳам берилди ва бу вазифани бугунги кунда олий маълумотли, юксак профессионал маҳоратга эга бўлган педагог кадрлар бажармоқда.

Қабул қилинадиган дастурда бошланғич таълимнинг сифатини ошириш, таълим стандартлари, ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларни такомиллаштириш, илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш масалалари ўз ифодасини топиши керак.

Айни пайтда, "Соғлом бола йили"нинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизда, айниқса, қиз болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортга меҳр ўйғотиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича аниқ тадбирларни белгилаб, амалга оширишимиз лозим.

Тўртинчидан, ҳаммамизга аёниқ, фарзандларимизни, янги авлодни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, бу мақсадга эришиш, ҳеч шубҳасиз, давлатимиз, жамиятимизнинг эътибор марказида туриши, олиб бораётган сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолиши шарт.

Шу мақсадда бу масалага дахлдор ва мутасадди бўлган қайси соҳа, қайси жараёни олмайлук, уларнинг барчасини ривожлантириш, янги, замонавий босқинга кўтаришда давлатнинг роли катта экани ҳеч кимга сир эмас.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, "Соғлом бола йили" дастури таркибида аввало йиллик режаларни белгилаб олиб, турли соҳа ва тармоқлар, айниқса, ижтимоий соҳаларга тааллуқли масалаларни ечиш учун ажратилдиган маблағ бўладими, бугунги кунда замоннинг ўзи талаб қилаётган шароитларни тўғдириб бериш бўладими — буларнинг барчасига эътиборни янада кучайтиришимиз зарурлиги ўз-ўзидан равшан, албатта.

Шу билан бирга, бу масала бўйича жаҳон миқёсидаги илгор, тараққий тоғлан давлатларнинг тажрибасини ўрганиш ва юртимизда жорий этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Бешинчидан, соғлом бола тарбиясида маҳалла ва ижтимоий тузилмаларнинг катта ўрни ва таъсири борлиги ҳақида, ўйлаётганимиз, ортиқча гапиришни ҳолати йўқ. Халқимизнинг "Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она" деган мақолида албатта чуқур маъно мужассам.

Шу нукта назардан қараганда, маҳалла оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳалла посбонларининг жамиятимиз ҳаётида тинчлик ва оқилоллик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, ҳушёрлик ва оғоҳлик муҳитини мустаҳкамлашдаги масъулияти янада ортади.

Айниқса, қиз болаларни тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллашига ёрдам бериш, эрта никоҳларнинг, оилавий низоларнинг олдини олиш, урф-одат ва маросимларни ихчам ва тартибли ўтказиш каби вазифаларни ҳал қилишда биз кўпни кўрган, тажрибали маҳалла фаолларига танамиз.

Ўғил-қизларимизни турли тўғрақларга жалб этиш, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, ўз ҳудудида тадбиркорлиқни ривожлантириш ва яна бошқа масалалар бўйича маҳалла фаолиятини қучайтириш, уларга янги воқолат ва имкониятлар бериш лозим.

Ўз-ўзидан равшанки, юқорида баён этилган барча устувор вазифаларни амалга ошириш учун мавжуд норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш талаб этилади.

Қадри ва мўҳтама ватандошлар!

"Соғлом бола йили"нинг асосий мақсад ва вазифалари ҳақида гапирар эканмиз, халқимиз ўртасида кенг тарқалган "Фарзандлари соғлом юрт қуради, бўлур, қуради элнинг фарзандлари соғлом бўлур" деган ҳикмати иборани яна бир бор эсга олишимиз ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Бизнинг мана шу қисқа — йигирма икки йиллик янги тарихимизда мустақилликка эришиш, миллий давлатчилигимиз, эртанги қушимизни қуришда, юртимизни турли бало-қазолардан асрашда, Ўзбекистонимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши, жаҳон майдонида муносиб обрў топишда энг асосий омилар нима деб сўраса, мен, бошқа мезонларни инкор этмаган ҳолда, бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтган бўлардим: бу йўлдаги энг муҳим омил — бу ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмасдан, бошини баланд кўтариб яшайдиган, Ватанимизнинг тақдир ва келажиги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, халқимиз интилаётган келажиги буюк давлатни барпо этишга қодир бўлган баркамол авлодмиз, десам, айтиш ҳақиқатини айтган бўламан.

Ана шу ҳақиқатни эл-юртимиз чуқур англаб, юрагидан, қалбидан ўтказиб, кенг қўллаб-қувватлаётгани бугунги кунда ўз ҳосили ва натижасини бераётгани ва бунинг дунё тан олаётгани, бизга ҳавас билан қараётгани ҳеч кимга сир эмас.

Биз танчимиз ва суянчимиз, гуруримиз ва ифтихоримиз бўлиши болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат-эътибор билан қарашни келажикимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эътиром ифодаси деб биламиз.

Мен ишонаман — бугун сизлар билан бирга белгилаб олган, "Соғлом бола йили" дастури деган ном билан амалга оширадиган барча режа ва вазифаларимиз ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади.

Сиз, азизларимиз Конституция байрами билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сийхат-саломатлик, куч-ғайрат, хонадонларингизга файзу барак тилайман.

журналистлар, жамоатчилик вакиллари тақдирланди.

Тантанали тадбирда миллий маданият ва санъатимиз, оммавий ахборот воситалари ривожини давлатимизнинг доимий эътиборида экани алоҳида таъкидланди. Юртимизда жаҳон андозлари даражасидаги санъат саройлари, маърифат масканлари, театрлар, кўргазма заллари, болалар ижодиёти учун кўркам биноларнинг барпо этилаётгани, мамлакат ва халқаро миқёсда турли ижодий лойиҳалар, фестиваллар, кўрик-танловлар муваффақиятли ўтказилаётгани бунинг далилидир.

Президентимизнинг театрларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, соҳа ҳодимлари меҳнатини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга оид ғамхўрлигини ўз фаолиятимиз, кундалик ижодимизда ҳис этиб яшаймиз, — дейди Мўқимий номидаги Ўзбек давлат мусика театри актриси, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Одинахон Нарзуллаева. — Бу биз, санъат аҳлини ёшлар тарбияси йўлидаги масъулиятни доимо ҳис этишга, янада фидойилик билан меҳнат қилишга даъват этади.

Тантанали тадбирда сузга қўйилган ҳалол ва фидокорона меҳнатни эъзозлаш борасида кўрсатаётган улкан эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов топширди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этди.

Бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, вазирлик ва идоралар, таъшилотларда бўлиб ўтди.

(ЎЗА)

ҲАЛОЛ ВА ФИДОКОРОНА МЕҲНАТИНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

қўлланма эзгу саъй-ҳаракатлар самарасида, Тошкент дунёнинг экологик жиҳатдан тоза ва яшаш қулай бўлган шаҳарларидан бири сифатида эътироф этилди.

Иқтисодиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар Ватанимиз салохиятининг тобора юксалиши, қўллаб янги иш ўринларини барпо этиш, халқимиз ҳаёт фаровонлигининг мутасил юксалиб бораётганида асосий омил бўлмоқда. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг реконструкция қилинган Қуёв-механика заводи импорт ўринни босувчи бир неча турдаги эҳтиёт қисмларининг корхоналарини ўзида ишлаб чиқарилиши, мамлакатимиз машинасозлик саноатини янада раванқ топтиришда муҳим ўрин

Бош Комиссияда ўз ифодасини топган 41-модда Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар тенг равишда билим олиш ҳуқуқига эгаллигини назарда тутди. Бунда билим олишда жинси, тили, ёши, irqи, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланади.



Спорт янгиликлари

СОЧИГА ИККИТА ЙЎЛЛАНМА

Тоғ чангиси бўйича келгуси йили Сочида қишки паралимпия ўйинлари бўлиб ўтади.

Шу кунгача ушбу нуфузли турнирда қатнашиш ҳуқуқини уч нафар спортчимиз кўлга киритган эди. Энди уларнинг сони 5 тага етди. Яқинда юртимизда тоғ чангиси бўйича Миллий паралимпия ассоциацияси ташаббуси билан уюштирилган мусобақада ишти-

рок этган спортчиларимиз Слепов ва Фиёсов муваффақият қозонди ва совринли ўринларни кўлга киритди. Энди бу спортчилар Сочида бўлиб ўтадиган қишки паралимпия ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

ЯНГИ СПОРТ ИНШООТЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Айтиш кераки, кейинги йилларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан кўплаб спорт иншоотларида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Мисол тариқасида шунга айтиш мумкин, 2013-2014 йилларда мамлакатимизда 117 та спорт иншоотларини фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Жумладан, ТИПлар асосида 21 та янги қурилиш, 73 мактаб спорт залларини янгидан қуриш ва 23 та мавжуд иншоотларни реконструкция қилиш белгиланган бўлиб, мазкур ишларга давлатимиз томонидан ажратилган 87 миллиард сўм молия-лаштирилди.

Бугунга келиб, ушбу иншоотларнинг 108 таси қуриб битказилган бўлса, қолган 9 таси 2014 йилда фойдаланишга топширилади. Фойдаланишга топширилган мазкур спорт иншоотларининг аксарият қисми қишлоқ жойларида барпо этилганлиги республикамизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолини, айниқса, ёшларни спортга кенг жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш имкониятларини янада ошириш. Натижада, спорт билан шуғулланувчилар сафи кенгайди.

Жамғарманинг минтақавий филиаллари томонидан барча ҳудудларда 7145 та спорт тадбирлари ўтказилди. Натижада

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан «Республикамиздаги спорт иншоотлари ва таълим масканларини спорт анжомлари билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар: муаммо ва ечим» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

ушбу тадбирларда жами 1498 218 нафар ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Бугунги кунда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, ўз иктидор ва маҳоратларини тинмай ошириб бораётган ёшларимиз спорт соҳасида Ватанимиз терма жамоалари таркибининг асосини ташкил этиб, халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эриша бошлади, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ижрочи директори Эркин Искандаров. — Аввалари бундай беллашувларга пойтахт, нари борса вилоят марказларидаги спорт мактабларида тайёрланган спортчилар олиб бориладди. Эндиликда эса улар қаторидан қишлоқ жойларидан етишиб чиққан спортчилар ҳам ўрин эгалламоқда.

Яратиб берилаётган шароитлардан унумли фойдаланаётган спортчиларимиз жаҳонда бўлиб ўтаётган нуфузли мусобақаларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқдалар. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки

Германия, Польша, Болгария, Латвия, Россия, Украина, Озарбойжон, Туркия, Италия, Франция, Греция, Жанубий Корея, Хитой, Эрон, Миср, Таиланд, БАА каби давлатларда бўлиб ўтган мусобақаларда спортнинг барча турлари бўйича 439 нафар спортчиларимиз иштирок этиб, мазкур халқаро турнирларда ёшларимиз 68 та олтин, 67 та кумуш ва 100 та бронза жами 235 та медалларни кўлга киритдилар.

Жорий йилнинг 30 август — 6 сентябрь кунлари Шри-Ланкада умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида шахмат бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида 5 нафар ёш шахматчиларимиз иштирок этиб, якуний натижаларга кўра хиндистонлик тенгдошларидан кейин иккинчи ўрин билан юртимизга қайтишгани дунёда ўзбек ёшларининг ҳар бир соҳада ҳеч қимдан кам эмасликларини намойён этди.

Тадбир сўнгида журналистлар ўзлари қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Жавохир ТОШХҲАЕВ

Юртимизда велоспорт бўйича мамлакат биринчилиги мусобақалари уюштирилди.

ҲОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Беллашувларнинг критерия йўналиши қизиқарли ва муросасиз кечди. Унда мусобақага бошқалардан кўра пухта тайёргарлик кўрган иктидорли велоспортчи Юсуф Абрамов биринчи ўринни эгаллаган бўлса, фахрли иккинчи ўрин Эрнест Арлиновга насиб этди.

ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ ИМЗОЛАНДИ

Миллий паралимпия ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси сузиш федерацияси ҳамкорлигида тадбир ўтказилди.

Унда Миллий паралимпия ассоциацияси ҳамда Республика сузиш федерацияси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Бундан мақсад паралимпия спорт турлари орасида сузиш оммалаштириш ва ривожлантириш кўзда тутилган. Эндиликда паралимпия спортчи сузувчилар ўқув машғулотларини сузиш федерацияси мураббийлари етакчилигида ўтказиладилар ва сузиш сирларини пухта ўзлаштириладилар.

Ана шунда Бразилияда ўтадиган паралимпия ўйинларида спортчиларимиздан яхши натижаларни кўтишга ҳақли бўламиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

Халқаро футбол уюшмалари федерацияси — ФИФА томонидан дунё мамлакатлари миллий терма жамоаларининг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.

Унга кўра Ўзбекистон миллий терма жамоаси 68-ўринни эгаллади.

Китъада эса Миржалол Қосимов шоғирдлари Эрон, Япония, Австралия, Жанубий Кореядан кейин 5-ўринда боришмоқда.

МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари терма жамоалари орасида Ўзбекистон Россия, Украина ҳамда Арманистондан кейин 4-ўринда бормоқда.

Рейтинг жадвалини жаҳон ва Европа чемпионлиги Испания қаровонбоши сифатида бошқараётган бўлса, ундан кейинги ўринларни Германия ва Аргентина банд этган.

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА ТАДБИР

Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармаси мутахассислари томонидан фуқаро муҳофазаси, фавқуллода вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш бўйича пойтахтимиз аҳолисини тайёргарликдан ўтказиш бўйича муҳофаза тадбирлари жойларда режа асосида олиб борилиб, тингловчиларда катта қизиқиш уйғотаяпти.

Бошқарма ходимлари 2013 йилда белгиланган иш режасига асосан Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган корхона, муассаса, ташкилотларда фавқуллода вазиятларда ҳаракат қилиш режаларини қайта кўриб чиқиш мақсадида талай ишлар амалга оширилмоқда.

Эътиборли ҳақида шундаки, айрим идора ва ташкилотлар раҳбарлари табиий ва техноген хусусият-ли фавқуллода вазиятлар таснифи, уларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш ва бундай вазиятларда аҳолини тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш бўйича бошқармадан мутахассислар юборишни сўраб, бошқарма бошлиғи номига хат билан мурожаат қилмоқдалар.

Шунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Хадича Сулаймонова номидagi Республика суд экспертизаси марказининг мажлислар залида «Халқаро табиий офатлар хавфини камайтириш» мавзусида идоралараро илмий-амалий учрашув семинари ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фани Мавлонов номидagi Сейсмология институти, Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармаси, Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Гидрометеорология маркази мутахассислари иштирок этдилар.

Семинарда Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармаси Радиацион ва кимёвий муҳофаза бўлими бошлиғи лейтенант Шерзод Аҳмедов «Дунёда содир бўладиган табиий офатлар», Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармасининг ёнгин-техникавий лабораторияси бошлиғи ўринбосари Дониёр Холмухамедов «2008-2013 йилларда республикамизда содир бўлган ўзига хос хусусиятли ёнгинлар», Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фани Мавлонов номидagi Сейсмология институти муҳандислик-сейсмология лабораторияси мудир Обиджон Жўраев «Зилзила офатларининг келиб чиқиши тўғрисида» мавзусига оид маърузалари билан иштирок этдилар.

Маърузачилар мажлис қатнашчилари томонидан тушган саволларга атрофлича жавоб бердилар.

Азамат СУЮНОВ,
журналист

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Саноат корхонаси ишлаб чиқариш жараёнида тажрибаси бўлган

**— 4-6 тоифали электр монтажчилар;
— 4-6 тоифали электрикларни доимий ишга қабул қилади.**

Иш ҳақи 2 миллион сўм ва ундан юқори.

Корхона ишчиларни хизмат транспорти, бепул овқат билан таъминлайди. Иш ҳақи ўз вақтида тўланади.

(90)352-36-05
Мулоқот учун телефонлар: (90)982-56-44
(93)172-44-07
(90)167-17-58

(Газетанинг навбатдаги сони 10 декабрда чиқади)

Ёнгин хавфсизлиги ойлиги

ҲАММАМИЗ РИОЯ ҚИЛАДИГАН ҚОИДАЛАР

Албатта, турмуш тарзимизни оловсиз тасаввур эта олмаймиз. У энг қулай ёқилғи сифатида ҳаётимизда кенг қўлланилади. Ана шу ёқилғидан тўғри фойдаланишни эса ҳар биримиз билишимиз керак ва хавфсизлик қоидаларига тўлақонли риоя қилиш билан бир қаторда ёнгин хавфсизлигини таъминлашимиз даркор. Акс ҳолда озгина эътиборсизлик оқибатида чиққан ёнгин ўзимизга, оиламизга, мол-мулкимизга катта зарар етказиши мумкин.

Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида хонадонлардаги газ анжоми ўрнатилган хонани тез-тез шамоллатиб туриш лозим, газ ва кўмир билан ёқиладиган печларнинг мўрасини йилда бир марта тозалаш туриш, иситиш печлари ва газ анжомлари ёнида бензин, керосин каби тез ёнувчи суюқликларни, хонадонлар ҳовлисида газ, пропан ва кислород баллонларини сақлашмаслик, том ва бўғоз қисмларга ҳашак ва ўтинларни қўймаслик, электр асбобларидан тўғри фойдаланиш, қўлбола электр иситиш мосламаларини ишлатмаслик, электр симларини

вактынча услубда уламаслик, носоз электр тармоқларидан фойдаланмаслик ва ёш болаларнинг гуғурт билан ўйнашига йўл қўймаслик, сигарета қолдиқларини ҳар хил жойларга ташлаб кетмаслик ёнгинлар содир бўлишининг олдини олишда муҳим омилдир.

Шу туфайли ҳам бугунги кунда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, ёнгинлардан инсонларнинг ҳаётини ва мол-мулкни муҳофаза қилмоқ ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Шерзод ВАЛИЕВ,
28-ХЕҲҚ кичик инспектори,
кичик сержант

Ёнгинлар халқ хўжалигига катта моддий зарар келтирадиган «тилсиз ёв»дир. Ёнгин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ва газлар кўп миқдорда атмосферага кўтарилиб, нафас олиш учун зарур бўлган ҳавонинг таркибини бузди. Бундан ташқари, ёнгиндан кўриладиган зарарнинг энг ёмони шуки, унда кўплаб кишилар жароҳатланади ва ҳатто ҳаётдан кўз юмиши ҳам мумкин.

МУҲОФАЗА ИШЛАРИ — РЕЖАЛИ АСОСДА

Шуларни ҳисобга олган ҳолда ҳозирги пайтда саноат корхоналарида ўт чиқиш хавфини камайтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ёнгин хавфи камайтирилган ва бутунлай хавфсиз ишлайдиган электр ускуналар қўлланоқда. Саноат корхоналарининг бино ва иншоотлари таркибидан ёнувчи қурилиш материаллари олиб ташланмоқда. Ўт ўчиришнинг механизациялашган ва автоматлашган тизимларидан тобора кенгрок фойдаланилмоқда.

Лекин ёнгиннинг олдини олишда, ўт ўчиришда асосий масъулият кишилар зиммасига тушишни ва бу ёнгинни ўчириш техникасининг барча талабларини тўлиқ бажарилишига боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак. Саноат корхоналарида бу тадбирлар тартибли равишда, ёнгин техникаси ҳақидаги низом, ёнгин хавфсиз-

лиги қоидалари, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар асосида олиб борилиши керак. Республикаимизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкни кўз қорачиқдек сақлаши ва асраб-авайлаши, уни бойитиш ҳақида қайғуриши керак. Шунинг учун ҳам саноат корхоналарида ёнгиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суянган ҳолда, цехлардаги ҳар бир ишчининг иштирокида олиб борилади.

Юртимиз шаҳарлари, қишлоқларидаги аҳоли зич жойлашган жойлар ва халқ хўжалиги объектларининг ёнгин муҳофазасини мустаҳкамлаш учун ёнгинга қарши кураш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доимо ғамхўрлик қилинади.

Валижон АБИДОВ,
ёхб 12 ХЕҲО 23-ХЕҲҚ
бошлиғи, майор

Тошкент Оқшом

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки
«Тошкент почтаамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
8513 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 00.20